

**ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЗАРАРЛИ  
АХБОРОТЛАР ТАҲДИДИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ДИДАКТИК  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Б.Х.Байджанов**

*Фарғона давлат университети  
мактабгача ва бошлангич таълим факультети декани,  
н.ф.б.ф.д. (PhD), доцент в.б.*

**Аннотация:** Мазкур мақолада замонавий ёндашувлар асосида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилиши, хавф ва таҳдидларга қарши курашиши, ахборот таҳдидини бартараф этишининг дидактик имкониятлари ҳақида фикр берилган.

**Калит сўзлар:** замонавий ёндашувлар, етук, зукко, суҳбат, сўровномалар, компьютер, телевизор, инсонпарварлик, мунтазамлилик, зарарли ахборотлар, тамоийл, воситалар.

Мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук, зукко, мустақил фикрлайдиган, эътиқодли инсонлар қилиб тарбиялаш учун уларни турли зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоялаш талаб этилади. Бунинг учун эса мавжуд таълим-тарбия жараёнини замонавийлаштириш, янгиликлар билан бойитиб бориш, самарадорлигини янада ошириш, тизим шаклида ташкил этиш асосий масалалардан биридир. Негаки, биз тарбиялаётган ёш авлод шундай бир глобаллашув деб аталмиш даврда яшамоқдаки, бу даврда янгилик ва ахборотлар кунба кун, соатма-соат эскириб бораверади. Шахс маънавияти ҳам шунга мувофиқ ўзгариб бораверади.

Фикримизча, агар ҳар қандай хавф ва таҳдидларга қарши курашишда ўқувчилар, педагог ва ота-оналарнинг мақсадли йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолияти биргаликда ташкил этилмаса, уни бартараф этиш муваффакиятли амалга оширилмайди. Бошлангич синф ўқувчисида зарарли ахборотлардан ҳимояланишни шакллантириш ва ривожлантириш учун қуидаги йўналишларда қатор вазифаларни амалга ошириш зарур.

**1-йўналиш:** Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар (дастур ишлаб чиқиши ва уни татбиқ этиши, психологик тренинглар ташкил этиши ва бошқалар).

**2-йўналиш:** Ўқитувчилар билан олиб бориладиган ишлар (назарий, методик ва технологик тайёрлаш).

**3-йўналиш:** Ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар (суҳбат ва сўровномалар ўтказиш, мутахассислар билан давра суҳбати ташкил қилиши ва ҳакозолар).

**4-йўналиш:** Юқоридаги учта йўналишларни умумлаштириш.

Зарарли ахборотлардан сақланишни ривожлантириш шарт-шароитлари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- “Ўқувчилар ахборот хавфсизлиги асослари” юзасидан тўгарақ дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбик этиш. Ушбу дастур заарли ахборот хавфининг мазмуни, турли манбалардаги ахборотлардан келиб чиқувчи таҳдидлар ва уларнинг ўзига хослигини ёритиб берувчи мавзу ҳамда муаммоларни ўз ичига олади;

- Ўқувчиларда заарли ахборотлардан сақланишини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиши. Унда машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари, мазкур машғулотларда миллий қадриятларимизга зид бўлган заарли ахборотларни аниқлай олиш ҳамда унга тўғри баҳо бериш шакллантирилади;

- машғулотлар ўйин шаклида ташкил этилади;

- психологияк-педагогик шароит, бунда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини миллий қадриятлар ва инсонпарварлик тамойили, ўқитувчининг ўқувчи фикрини қабул килишга тайёрлиги, ўқувчи шахсининг мустақиллигига ҳурмат билдириш принциплари асосида ташкил этилади;

- ташкилий-педагогик шароитлар, унда семинарлар ташкил этиш орқали ахборот таҳди迪и муаммоси бўйича педагогларни мақсадли назарий тайёрлашдан иборат бўлиб, семинар дастурлари модул асосида замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда интерфаол шаклда амалга оширилади;

- ўқувчиларда заарли ахборотлар таҳдидини бартараф этиш бўйича ота-оналар билан тизимли ва мақсадли иш олиб борилади.

Ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишлигини инобатга олиб машғулотларнинг қуидаги таҳминий мавзуларини таклиф этамиш: “Ахборотда ҳам таҳдид мавжуд”, “Заарли ахборотлардан сақланиш мумкинми?”, “Ахборот таҳди迪и одамлардан келиб чиқади”, “Мен ва телевизор”, “Компьютер ва компьютер ўйинлари”, “Дискларни биргаликда танлаймиз”, “Менга уяли телефон олиб беришди”, “Болалар ва Интернет”, “Биз ўқиётган адабиётлар”, “Мен севган қаҳрамон” ва шу кабилар.

Ўқувчиларини заарли ахборотга қарши тура олишни ўргатишида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш, ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда машғулотларни ўтказишга мос усусларни таснифлаб ўтишга ҳаракат қиласиз.

**Тушунтириши-тасвирилаш** усули машғулотларнинг дастлабки босқичлари учун муҳим усул бўлиб, унда ўқувчиларга тушунтиришнинг дастлабки босқичида билимлар “тайёр” кўринишда таклиф этилади, педагог бу билимларнинг идрок этилишини турли усувлар билан ташкил этади, ўқувчилар билимларни англайдилар, уларни хотирада сақлайдилар.

Ўқитувчи заарли ахборотлар таҳди迪и тўғрисидаги билимлар, хавф турлари, уларнинг қадриятларга, жамиятга қолаверса саломатликка таъсири ва ҳоказоларни “тайёр” кўринишда таклиф этади ва уларни тушунтиради, ўқувчилар олинган ахборотни онгли ўзлаштириб, тўғри қабул қиласиз.

Материални муаммоли баён этиш усули, ушбу босқичда ўқувчилар иштирок этмайдилар, балки ўқитувчи фикрини тинглайдилар.

**Қисман излаш усули** – ўқитишининг асосий усули бўлиб, мазкур босқичда ўқувчиларга билимлар “тайёр” кўринишда берилмасдан, балки педагог томонидан турли усуллар ёрдамида янги билимларни излаш таклиф этилади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига ўрганиш вазифаларини бажарадилар, муаммоли вазиятларни ҳал этадилар, таҳлил қиласидилар, қиёслайдилар, умумлаштирадилар ва хулоса чиқарадилар.

Ахборот таҳдиини бартараф этиш бўйича ўқув фаолияти ўқитувчи-ўқувчилар шаклида олиб борилади. Ўқитувчи билимларнинг бир қисмини маълум қиласиди, бошқа қисмини ўқувчилар қўйилга саволларга жавоб берган ҳолда ёки муаммоли топширикларни ҳал этган ҳолда мустақил эгаллайдилар. Ҳикоя, сұхбат, намойиш, видеотасвир кабилар қўшимча усуллар сифатида фойдаланилади.

Ўқувчиларини ахборот билан ишлашга ўргатишида, матннаги асосий фикрни кўрсата олиш, хулоса чиқариш, ҳодисага баҳо бериш, мунозара, шахсий фикрини эркин айтиш ва уни муҳокама қилишга ўргатиш, яъни яхлит ўқитиши тизимини ушбу асосий билимларни шакллантиришга қаратиш лозим.

Ўқувчиларда заарли ахборотлардан сақланишга ўргатишининг биринчи босқичида бола ахборот тўғрисида нимани билиши лозим деган савол биринчи ўринда туради.

Ўқувчини ахборот таҳдиidi ҳаётга, саломатликка, таҳсил олишга, шахсларро мулоқотга киришишга, миллий қадриятларга хавф солиши мумкинлигига тайёрлаш, шу тарзда уларни ахборот таҳдиини қўриш ва ҳис этишини ўргатиш зарур.

Шундан сўнг, хборот таҳдиини аниқлашга, яъни ўқувчи унга таклиф этилган ахборотга танқидий муносабатда бўлишга, ахборот таҳдиининг мавжудлигини билиш, унга қарши чиқишга ўргатилади.

Ташкилий-педагогик ишлар ўқитувчи билан ишлашни назарда тутади. Ўқувчиларни заарли ахборотлардан сақланишга ўргатишдан олдин, педагоглар учун машғулотлар ўтказишни таклиф этамиз.

Педагоглар учун ўтказиладиган машғулотлар заарли ахборотлар инсон ҳаёт фаолияти жабҳаларига таъсирини ёритиб берувчи материалларни ўз ичига олади.

Педагогларни ўқитиши бўйича ишни куйидаги кўринишда ташкил этиш мумкин:

- педагоглар ва мутахассислар (психологлар, шифокорлар) ишини ташкил этиш;
- тажриба алмашиш мақсадида семинар ва амалиётларни ташкил этиш.

Мактаб ва оила ҳамкорлиги педагоглар ишининг самарадорлигини белгилайди. Ўқитувчи ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги негизида:

- а) инсонпарварлик;
- б) мунтазамлилик;
- в) ёш ва психологик хусусиятларни ҳисобга олиш;
- г) тизимлилик каби тамойиллар ётмоғи лозим.

Ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликда ўқувчиларни ахборот таҳдиидан химоя қилиш шаклларини, ота-оналарнинг медиатальим (ахборот воситалари ва Интернет тармоғи билан ишлаш) ва виртуал назорат (ўқувчининг

ахборот воситалари билан ишлаш жараёнини назорат қилиш, бола хулқ-авторини тузатиш) механизмларини мунтазамлилик, изчиллик ва узлуксизлик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

Ўқувчилар билан ишлагандаги “Компьютер ва менинг саломатлигим”, “Мен телевизор олдидаман”, “Уяли алоқа телефони ва менинг саломатлигим”, “Ахборотларнинг соғлика таъсири”, “Мени бошқаришнинг ҳожати йўқ” каби аудиториядан ташқари машғулотларнинг мавзусини белгилаб олдик.

Назарий машғулотларга шифокорларни: болаларга компьютер, телевизордан фойдаланиш тартиби, ахборотларнинг руҳий ва жисмоний саломатликка таъсири тўғрисида қулай шаклда гапириб берувчи офтальмолог, терапевтларни таклиф этдик. Мазкур билимлар амалий машғулотларга асос бўлди.

Ўқувчилар ҳаракатланиш қоидаларини англаб олганларидан сўнг олинган уқувлардан фойдаланиш учун машқлар зарур. Ўқувчига ўқув ишининг оқилона қоидаларини билишнинг ўзи камлик қиласи, у ушбу билимларни шахсий амалиётида қўллашни ўрганиш лозим.

Бизнингча бугунги кунда билимлар қайта ишланадиган машқлар турли тумандир. Масалан, ахборот таҳдидини аниқлаш уқувини такомиллашти-ришда биз асосий ва иккиламчи (хавфли ва хавфсиз) фойдаланишни фарқлашга ўргатдик, хусусан, машқ-топшириқлар:

- бир неча варианtlардан биттасини танлаш, таҳлил қилиш ва танловни амалга ошириш;
- аҳамияти бўйича жойлаштириш (хавф ёхуд хавфсизлик);
- ахборот таҳдидининг мазмунини ёритиб бериш учун янада муҳим бўлган қисмларни ажратиш;
- матнни (видеоўйин, фильмни) гапириб беришда ахборот таҳдиди унсурларини ўз ичига олган (меъёрдан ташқари лексика, қўпол ифода, ёқалашиш, шафқатсиз саҳналар) иккиламчи лаҳзаларни тушириб қолдириш;
- ўқув материалини муҳимлик даражасига қараб маълум тартибда жойлаштириш;
- асосан ўхшаш ва хусусан турлича бўлган бирор-бир ҳодисани бу ерда нима янада муҳимлигини тушунтирган ҳолда киёслаш.

Билимлар шахсий маънога эга бўлиши учун биз ахборот хавфсизлигини ўқитиш дарсларида қўйидаги усуслардан фойдаландик:

- ҳар қандай ахборотни ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси орқали қабул қилиш;
- шахсий ҳиссий туйгулари орқали ҳаётларида реал ўринга эга бўлган мулоҳаза қилиш, вазиятларни ёритиб бериш;
- рефлексияни намоён этиш (муайян вазиятдан ташқарига чиқиш қобилияти ва йўл қўйган ҳаракатлари тўғрисида ўйлаб кўриш).

Бошланғич синф ўқувчилари ахборот хавфсизлигини ўргатиш учун зарур бўлган ташкилий-педагогик шартларни амалга ошириш учун биз бошланғич синф ўқитувчилари билан тадбирлар ишлаб чиқдик ва ўтказдик.

Машғулотнинг мақсади: педагогларда ахборотлар, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, заарли ахборотлар ҳамда ўқувчиларни заарли ахборотлардан ҳимоялаш чоратадбирлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Вазифалар:

- педагогларга ахборот хавфсизлиги бўйича назарий билимларни таклиф этиш;
- ахборот хавфсизлиги бўйича амалий машғулотларни ўтказишнинг эҳтимолий вариатларини кўрсатиш.
- педагогларга ўқувчиларни заарли ахборотлар таҳдиидидан ҳимоялаш йўлларини ўргатиш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -104 б.

3. Ахборот технологиялари операцион тизимлари терминларининг инглизча – русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: “Фан”, 2009. -493 б.

4. Байджанов, Б. Х. (2020). Таълим жараёнида илғор хорижий тажрибаларни самарали қўллаш механизмлари. *Science and Education*, 1(2), 514-519.

5. Baydjanov, B. K. (2021). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF INFORMATION COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Theoretical & Applied Science*, (7), 171-178.

6. Baydjanov, B. K. (2022). Methodology of Pedagogical Science and its Axiological Possibilities. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 352-363.

7. Baydjanov, B. (2021, June). HIGHER EDUCATION PROSPECTS AND ISSUES OF DEVELOPING INFORMATION SECURITY CULTURE AMONG STUDENTS (ON THE EXAMPLE OF FERGANA REGION). In *Конференции*.

8. Baydjanov, B. (2021, March). COMPATIBILITY OF NEW RENAISSANCE PEDAGOGY AND JADID ENLIGHTENERS’VIEWS ON EDUCATION AND INFORMATION SECURITY. In *Конференции*.

9. Khaitboevich, B. B. (2020). Some features of protection of students from the threat of harmful information in the educational process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 69-72.

10. Dilshodovich, I. S. (2022). UMUM O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA O'G'IL BOLALARINI OILAGA TAYORLASHNING PSIXOLOGIK ILMIY ASOSLARI. O'ZBEKİSTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(14), 775-779.

11. Dilshodovich, I. S. (2022). TALABALARDA FAMILISTIK KOMPETENSIYANING SHAKLLANTIRISHNING XUQUQIY ASOSI SIFATIDA. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 1210-1215.
12. Dilshodovich, I. S. (2023). TALABALARNING FAMILISTIK KOMPETENTSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK TIZIMINI. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(18), 874-879.
13. Dilshodovich, I. S. (2022). TALABALARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHDA MILLIY URF-ODAT VA AN'ANALARDAN FOYDALANISH. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 476-479.
14. Dilshodovich, I. S. (2022). OF PREPARING STUDENTS FOR FAMILY LIFE CONTENT AND LEPROSY. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(2), 117-123.
15. Dilshodovich, I. S. (2023). DIDACTIC POSSIBILITIES OF FORMATION OF FAMILIAR COMPETENCE IN ADOLESCENT BOYS. *European journal of education and applied psychology*, (1), 3-6.